

456/806 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّ النَّاسَ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللهِ، هَلْ تَرَى رَبَّنَا يَوْمَ الْقِيَامَةِ؟ قَالَ: «هَلْ تُمَارُونَ فِي الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ، لَيْسَ دُونَهُ سَحَابٌ؟» قَالُوا: لَا يَا رَسُولَ اللهِ قَالَ: «فَهَلْ تُمَارُونَ فِي الشَّمْسِ لَيْسَ دُونَهَا سَحَابٌ؟» قَالُوا: لَا، قَالَ: «فَإِنَّكُمْ تَرَوْنَهُ كَذَلِكَ، يُخَشِرُ النَّاسُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَيَقُولُ: مَنْ كَانَ يَعْبُدُ شَيْئًا فَلْيَتَّبِعْ، فَمِنْهُمْ مَنْ يَتَّبِعُ الشَّمْسَ، وَمِنْهُمْ مَنْ يَتَّبِعُ الْقَمَرَ، وَمِنْهُمْ مَنْ يَتَّبِعُ الطَّوَاغِيَتِ، وَتَبَقَى هَذِهِ الْأُمَّةُ فِيهَا مُنَافِقُوهَا، فَيَأْتِيهِمُ اللهُ فَيَقُولُ: أَنَا رَبُّكُمْ، فَيَقُولُونَ: هَذَا مَكَانُنَا حَتَّى يَأْتِينَا رَبُّنَا، فَإِذَا جَاءَ رَبُّنَا عَرَفْنَا، فَيَأْتِيهِمُ اللهُ فَيَقُولُ: أَنَا رَبُّكُمْ، فَيَقُولُونَ: أَنْتَ رَبُّنَا، فَيَدْعُوهُمْ فَيُضْرَبُ الصِّرَاطُ بَيْنَ ظَهْرَانِي جَهَنَّمَ، فَأَكُونُ أَوَّلَ مَنْ يَجُوزُ مِنَ الرُّسُلِ بِأَمْرِهِ، وَلَا يَتَكَلَّمُ يَوْمَئِذٍ أَحَدٌ إِلَّا الرُّسُلُ، وَكَلَامُ الرُّسُلِ يَوْمَئِذٍ: اللَّهُمَّ سَلِّمْ سَلِّمْ، وَفِي جَهَنَّمَ كَلَالِيْبُ، مِثْلُ شَوْكِ السَّعْدَانِ، هَلْ رَأَيْتُمْ شَوْكَ السَّعْدَانِ؟» قَالُوا: نَعَمْ، قَالَ: «فَإِنَّهَا مِثْلُ شَوْكِ السَّعْدَانِ، غَيْرَ أَنَّهُ لَا يَعْلَمُ قَدْرَ عِظَمِهَا إِلَّا اللهُ، تَخَطَفُ النَّاسَ بِأَعْمَالِهِمْ، فَمِنْهُمْ مَنْ يُوبِقُ بِعَمَلِهِ، وَمِنْهُمْ مَنْ يُجْرَدُ ثُمَّ يَنْجُو، حَتَّى إِذَا أَرَادَ اللهُ رَحْمَةً مِنْ أَرَادَ مِنْ أَهْلِ النَّارِ، أَمَرَ اللهُ الْمَلَائِكَةَ أَنْ يُخْرِجُوا مَنْ كَانَ يَعْبُدُ اللهُ، فَيُخْرِجُوهُمْ وَيَعْرِفُوهُمْ بِآثَارِ السُّجُودِ، وَحَرَّمَ اللهُ عَلَى النَّارِ أَنْ تَأْكُلَ أَثَرَ السُّجُودِ، فَيُخْرِجُونَ مِنَ النَّارِ، فَكُلُّ ابْنِ آدَمَ تَأْكُلُهُ النَّارُ إِلَّا أَثَرَ السُّجُودِ، فَيُخْرِجُونَ مِنَ النَّارِ قَدِ افْتَحَشُوا، فَيُصَبُّ عَلَيْهِمْ مَاءُ الْحَيَاةِ، فَيَنْبَثُونَ كَمَا تَنْبَثُ الْحَبَّةُ فِي حَمِيلِ السَّيْلِ، ثُمَّ يَفْرَعُ اللهُ مِنَ الْقَضَاءِ بَيْنَ الْعِبَادِ، وَيَبْقَى رَجُلٌ بَيْنَ الْجَنَّةِ وَالنَّارِ، وَهُوَ آخِرُ أَهْلِ النَّارِ دُخُولًا الْجَنَّةِ، مُقْبِلًا بِوَجْهِهِ قِبَلَ النَّارِ، فَيَقُولُ: يَا رَبِّ اصْرِفْ وَجْهِي عَنِ النَّارِ، قَدْ قَسَبَنِي رِيحُهَا، وَأَحْرَقَنِي دُكَاؤُهَا، فَيَقُولُ: هَلْ عَسَيْتَ إِنْ فُعِلَ ذَلِكَ بِكَ أَنْ تَسْأَلَ غَيْرَ ذَلِكَ؟ فَيَقُولُ: لَا وَعِزَّتِكَ، فَيُعْطِي اللهُ مَا يَشَاءُ مِنْ عَهْدٍ وَمِيثَاقٍ، فَيَصْرِفُ اللهُ وَجْهَهُ عَنِ النَّارِ، فَإِذَا أَقْبَلَ بِهِ عَلَى الْجَنَّةِ، رَأَى بِهَجَّتِهَا سَكَتَ مَا شَاءَ اللهُ أَنْ يَسْكُتَ، ثُمَّ قَالَ: يَا رَبِّ

قَدِّمْنِي عِنْدَ بَابِ الْجَنَّةِ، فَيَقُولُ اللَّهُ: أَلَيْسَ قَدْ أَعْطَيْتَ الْعَهْدَ وَالْمَوَاقِيقَ أَنْ لَا تَسْأَلَ غَيْرَ الَّذِي كُنْتَ سَأَلْتَ؟ فَيَقُولُ: يَا رَبِّ، لَا أَكُونُ أَشَقَى خَلْقِكَ، فَيَقُولُ: فَمَا عَسَيْتَ إِنْ أُعْطِيتَ ذَلِكَ أَنْ لَا تَسْأَلَ غَيْرَهُ؟ فَيَقُولُ: لَا، وَعِزَّتِكَ، لَا أَسْأَلُ غَيْرَ ذَلِكَ، فَيُعْطِي رَبُّهُ مَا شَاءَ مِنْ عَهْدٍ وَمِيثَاقٍ، فَيَقْدِمُهُ إِلَى بَابِ الْجَنَّةِ، فَإِذَا بَلَغَ بَابَهَا، فَرَأَى زَهْرَتَهَا وَمَا فِيهَا مِنَ النَّضْرَةِ وَالسُّرُورِ، فَيَسْكُتُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَسْكُتَ، فَيَقُولُ: يَا رَبِّ أَدْخِلْنِي الْجَنَّةَ، فَيَقُولُ اللَّهُ: وَيْحَكَ يَا ابْنَ آدَمَ، مَا أَعْدَرَكَ، أَلَيْسَ قَدْ أَعْطَيْتَ الْعَهْدَ وَالْمِيثَاقَ أَنْ لَا تَسْأَلَ غَيْرَ الَّذِي أُعْطِيتَ؟ فَيَقُولُ: يَا رَبِّ، لَا تَجْعَلْنِي أَشَقَى خَلْقِكَ، فَيَضْحَكُ اللَّهُ - عَزَّ وَجَلَّ مِنْهُ، ثُمَّ يَأْذُنُ لَهُ فِي دُخُولِ الْجَنَّةِ، فَيَقُولُ: تَمَنَّ، فَيَتَمَنَّى حَتَّى إِذَا انْقَطَعَتْ أُمْنِيَّتُهُ، قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: زِدْ مِنْ كَذَا كَذَا، أَقْبَلْ يُكْرَهُ رَبُّهُ، حَتَّى إِذَا انْتَهَتْ بِهِ الْأَمَانِيُّ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: لَكَ ذَلِكَ وَمِثْلُهُ مَعَهُ».

قَالَ أَبُو سَعِيدٍ الْخُدْرِيُّ لِأَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قَالَ اللَّهُ: لَكَ ذَلِكَ وَعَشْرَةٌ أَمْثَالِهِ». قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: لَمْ أَحْفَظْ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَّا قَوْلَهُ: «لَكَ ذَلِكَ وَمِثْلُهُ مَعَهُ». قَالَ أَبُو سَعِيدٍ: إِنِّي سَمِعْتُهُ يَقُولُ: «ذَلِكَ لَكَ وَعَشْرَةٌ أَمْثَالِهِ».

456.806 Абу Хурайра розияллоху анху хабар қилади:

«Одамлар: «Эй Аллоҳнинг Расули, қиёмат куни Роббимизни кўрамизми?» дейишди. «Булутсиз ойдин кечада ой(ни кўриш)га шубҳа қиласизларми?» дедилар. «Йўқ, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. «Булут тўсмаган қуёш(ни кўриш)га шубҳа қиласизларми?» дедилар. «Йўқ», дейишди. «Албатта, У Зотни ҳам худди шундай кўрасизлар. Қиёмат куни одамлар ҳашр қилинади, У Зот: «Ким нимага ибодат қилган бўлса, ўшанга эргашиб», дейди. Шунда улардан айримлари қуёшга, баъзилари ойга, яна бирлари тоғутларга\* эргашиб кетади ва бу уммат ичида мунофиқлари билан қолади. Аллоҳ уларга намоён бўлиб (бошқа ривоятларда келишича, улар танимайдиган суратда кўриниб) «Мен Роббингизман», дейди. Улар: «Роббимиз келгунича бизнинг жойимиз шу ердир, Роббимиз келганда Уни таниб оламиз», дейишади. Кейин Аллоҳ уларга (Ўз суратида) намоён бўлиб: «Мен Роббингизман», дейди. Улар: «Сен Роббимизсан», дейишади. (У Зот) уларни чорлайди.

Жаҳаннам узра Сирот қўйилади. Расуллар ичида уммати билан биринчи ўтган мен бўламан. У кунда расуллардан бошқа ҳеч ким сўзламайди. У кунда расулларнинг сўзи фақат «Аллоҳим, саломат қил сақла, саломат қил сақла» бўлади. Жаҳаннамда саъдон\* тиканлари каби илмоқлар бор. Саъдон тиканларини кўрганмисиз?» дедилар. «Ҳа», дейишди. (Расулуллоҳ:) «Улар саъдон тиканлари кабидир, лекин уларнинг катталигини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. (Илмоқлар) одамларни қилмишларига қараб тортиб олади. Уларнинг ичида амали сабабли ҳалок бўладигани ҳам, майда-майда қилиниб, сўнг нажот топадигани ҳам бўлади. Ниҳоят, Аллоҳ дўзах аҳлидан кимга раҳм қилишни ирода этса, фаришталарга Аллоҳга ибодат қилганларни дўзахдан чиқаришни буюради. Шунда уларни чиқарадилар. Уларни сажда изларидан таниб олишади. Аллоҳ дўзахга сажда изини ейишни ҳаром қилган! Шунда (ўшалар) дўзахдан чиқадилар. Дўзах одам боласининг сажда изидан бошқа ҳамма ёғини ейди. Улар дўзахдан куйиб, қорайиб кетган ҳолда чиқишади. Устиларидан ҳаёт суви қўйилади. Улар худди сел оқизиб келган данак униб чиққани каби униб чиқишади.

Сўнг Аллоҳ бандалар орасида ҳукм қилиб бўлади ва бир киши жаннат билан дўзах орасида қолади. У дўзах аҳлининг жаннатга энг охирги кирадиганидир. Юзи билан дўзахга қараган ҳолда бўлади. Шунда у: «Эй Роббим, юзимни дўзахдан буриб қўй, унинг ҳиди мени захарлаб, алангаси куйдириб ташлади», дейди. (У Зот) айтади: «Бу айтганинг қилинса, бундан бошқа нарсани ҳам сўрарсан?» (У киши:) «Иззатингга қасамки, йўқ!» дейди ва Аллоҳга (У Зот) хоҳлаганича аҳду паймон беради. Шунда Аллоҳ унинг юзини дўзахдан буриб қўяди. Уни жаннатга қаратиб қўйгач, (ўша киши) жаннатнинг гўзаллигини кўриб, Аллоҳ хоҳлаганича сукут қилади-ю, кейин: «Эй Роббим, мени жаннатнинг эшиги олдига олиб бор», дейди. Аллоҳ унга: «Сўраган нарсангдан бошқасини сўрамасликка аҳду паймонлар бермаганмидинг?!» дейди. «Эй Роббим, бандаларингнинг бахтиқароси бўлмайин», дейди. У Зот: «Ўша сенга берилса, ундан бошқасини сўрамайсанми?» дейди. «Иззатингга қасамки, йўқ. Шундан бошқасини сўрамасман», дейди ва Роббига (У Зот) хоҳлаганича аҳду паймон беради. (Аллоҳ) уни жаннат эшиги олдига олиб боради. Унинг эшигига етиб бориб, унинг нурафшонлигини, ундаги шодиёна ва хурсандчиликни кўргач, Аллоҳ хоҳлаганича сукут қилади-да, сўнг: «Эй Роббим, мени жаннатга кирит», дейди. Аллоҳ: «Шўринг қурисин, эй одам боласи, мунча ҳам субутсизсан! Ўзингга берилгандан бошқа нарса сўрамасликка аҳду паймон бермаганмидинг?!» дейди. (У киши:) «Эй Роббим, мени бандаларингнинг бахтиқароси қилиб қўйма!» дейди. Аллоҳ азза ва жалла бундан кулади. Сўнг унга жаннатга киришга изн бериб: «Тила тилагингни!» дейди. У тилак айтавериб, охири тилак-орзулари тугаб қолади. Аллоҳ азза ва жалла: «Фалон-фалонларни тила», дейди.

**Робби унга эслатаверади, ниҳоят талаб-орзулар тамом бўлгач, Аллоҳ таоло: «Сенга мана шу ва у билан бирга яна шунча», дейди».**

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳу Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга бундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ: «Сенга мана шу ва шунинг ўн баробари», дейди»**, деганлар».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фақатгина **«Сенга мана шу ва у билан бирга яна шунча»**, деган сўзларинигина ёдлаб қолганман», деди.

Абу Саъид розияллоҳу анҳу: **«Сенга мана шу ва шунинг ўн баробари»**, деганларини эшитганман», деди».

\* «Тоғут» сўзининг маъноси «жуда ҳаддидан ошувчи» бўлиб, истилоҳда Аллоҳдан ўзга ибодат қилинган ҳар бир нарсани англатади. Баъзи уламолар тоғутни шайтон ҳам дейишган («Қомус»дан).

\* Саъдон - тиканли ўсимлик тури бўлиб, туяларнинг сеvimли емиши ҳисобланади.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

